



РАДИОЖУРНАЛИСТИКА - ФАН СИФАТИДА: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Дилшода Юсуповна Ҳамдамова ¹

1 Ўзбекистон Миллий университети докторанти

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: kavkab@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5759457>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 20- Noyabr 2021

Ma'qullandi: 25- Noyabr 2021

Chop etildi: 30 - Noyabr 2021

KALIT SO'ZLAR

радиоканал;
информацион дастур;
радиодастур; ёшлар;
ахборот; янгиликлар;
ахборот макони;
журналист маҳорати;
эшиттириш;
аудитория;
глобаллашув.

ANNOTATSIYA

Дунё миқёсида қузатадиган бўлсак, оммавий ахборот воситаларининг бир тури бўлган радио бугун ҳар томонлама янгиланиш жараёнларини ўзида ифодалаб келмоқда. Хусусан, илгари радио фақат эшитиш воситаси ҳисобланган бўлса, бугун у ўзида матбуот, телевидение ва интернетни ҳам мужассамлаштирди. Тингловчи радиода эшиттирилаётган хабарларни эшитиш билан бирга, телевидение орқали онлайн кузатиш, радионинг махсус сайти орқали хабарларни ҳам ўқиб бориш имконияти яратилди.

Кўплаб мутахассислар оммавий ахборот воситаларига тасниф беришда замон нуқтаи назаридан радионинг аудиторияси камайиб ёки кўпайиб бораётгани ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишади.

Мақолада бугунги давр радиожурналистика(аудиовизуал журналистика)сида кечаётган жараёнлар, янгиликлар, муаммолар илмий жиҳатдан ўрганиб чиқилган ҳолда, соҳа бўйича илмий изланишлар олиб борган муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари солиштирилади ва истиқболдаги вазифалар, таклифлар билдирилади.

Оммавий ахборот воситаларининг бир кўриниши бўлган радио матбуотга нисбатан кейинроқ кашф этилган бўлса-да, қисқа вақт ичида ўз тингловчиларига, аудиториясига эга бўлиб улгурди.

Радио ўзининг жарангли, бетакрор, ширали овози билан тингловчилари

қалбидан жой эгаллашига матбуот сингари 300 йил эмас, балки 20-30 йил вақт керак бўлди, холос. Бунинг сабабини радио назарияси бўйича тадқиқот олиб борган олимлар турли фикр-мулоҳазалари, далиллари орқали исботлашга ҳаракат қилишади.



В.В.Ворошилов “Журналистика” китобида ёзади: “Радио чиндан ҳам ноёб хусусиятлар мажмуига эгадир... Одамлар бошқа ишлар билан шуғулланаётиб ҳам радиони тинглайдилар, шу билан бир вақтда барча ҳодисалар ҳақида – ҳам янгиликлар, ҳам кўнгилочар дастурлар, ҳам театр, ҳам бозор тўғрисида муфассал маълумотга эга бўладилар. Газета ва журналлардан фарқли ўлароқ радио бизнинг уйимизга ҳодиса юз бераётган жойдан шу ҳодиса содир бўлаётган вақтнинг ўзидаёқ маълумот етказишга қобил аён инсоннинг янгроқ овози билан кириб келади. Радио кейинчалик ёқтириб қолинган дастурларнинг ишончли фактларига зарурат туғилганда қайта фойдаланиш учун маълумотларни магнит тасмасига ёзиб сақлаб қўйишга имкон беради. Телекоммуникация ривожланган шароитларда радио ўз тингловчиларини йўқотиб қўймади, балки маълумотларни узатишнинг тезкорлиги, дастурларнинг оммабоплиги туфайли эшитувчилар сонини янада оширишга ҳам эришди. Радио эфири вақт тамойилига кўра шаклланади, дастурлар бўйича табақаланади. Ҳаммабоплик, соддалик ва шу билан бирга, жонли сўз таъсирчанлиги тингловчиларнинг ҳозирги кунгача радиога содиқликларининг барқарорлигини таъминлашга имкон яратмоқда”¹.

Дарҳақиқат, радио энг аввало, ўз даврида бошқа оммавий ахборот воситаларига, хусусан, матбуот ва телевидениега нисбатан жой ва маълум бир вақт танламаслиги билан тингловчиларини тез орада топиб улгурди.

Яна бир эътиборли жиҳати эса – бевосита овоз, товуш, мусиқа, қўшиқ орқали

инсонлар ҳис-туйғуларига таъсир қилиш, уларни фикрлашга, ўйлашга, мулоҳаза қилишга чорлашдан иборат эди.

Радионинг кашф этилиши журналистика фанининг муҳим бир тури яратилишига ҳам туртки берди. “Радиожурналистика” оммавий ахборот воситаларининг муҳим, узвий бир қисмига айланди.

Радиожурналистика фани ривожига кўплаб олимлар ўз ҳиссаларини қўшишган. Хусусан, рус олимларидан Л.Д.Азарх, А.А.Шерелль, Я.Н.Засурский, Л.А.Болотова, Г.В.Кузнецов, С.Г.Корконосенко, Ю.В.Клюев²лар радиожурналистика фани, унинг фан сифатида шаклланиши, ривожланиш босқичлари, замонавий радиожурналистика жанрлари ҳақида илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Радиожурналистика (“Аудиовизуал журналистика” деб ҳам аталади)га олимлар томонидан турлича таърифлар берилди.

². Азарх Л. Д. «Маленький принц» и большое радио // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005; Засурский Я. Н., Алексеева М. И., Болотова Л. Д. Система средств массовой информации России: учеб. пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 2003; Засурский Я. Н. Самый открытый источник информации // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005; Болотова Л. А. Отечественное радиовещание в начале XXI века: новые реалии и старые проблемы // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005. С. 147–161.; Кузнецов Г. В. Первый век радио: от «морзянки» до цифрового стереовещания // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005; Корконосенко С. Г. Основы журналистики: учебник для студентов вузов. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Аспект Пресс, 2009.; Клюев, Ю. В. Радиожурналистика: основы профессии: учеб. пособие / СПб.: Ин-т «Высш. шк. журн. и мас.коммуникаций» СПбГУ, 2015. -151 с.

¹. Ворошилов В.В. Журналистика. СПб: Изд-во Михайлова В. А., 2000. С.51.



“Радиожурналистика – инсоннинг касбий ва инфор­мацион-коммуникатив фаолиятининг, яъни аудиал ишлаб чиқариш(эшиттириш)ни масофага узатиш ва уни реципиент(тингловчи) томонидан қабул қилинишига йўналтирилган асосий кўринишидир. Радиожурналистиканинг овозни ишлаб чиқаришга айлантирадиган асосий қуроли радио – алоқа воситаси ҳисобланади. Радиожурналистика инсоннинг ижтимоий-касбий фаолиятига асосланган ўзига хос муҳит бўлиб, радионинг имкониятларидан ҳисобланган техник восита ва табиий овоз ифодаси(сўз, шовқин, мусиқа) дан иборат. Радиожурналистика аудиал фаолият тури бўлиб, натижада аудиторияга психологик, ҳиссий таъсир кўрсатадиган радиоэшиттириш ёки радиоэшиттиришларнинг умумлашмасидир”³.

Рус олимнинг ушбу фикр-мулоҳазалари радиожурналистика фанига берилган таърифнинг содда ва батафсил кўринишидир. Демак, радиожурналистика эшитиш(аудиал) фаолият тури бўлиб, бевосита журналист томонидан тайёрланган радиомаҳсулот(эшиттириш)ни тингловчига етказиб беради.

М.Минковнинг радиожурналистика борасидаги таърифи ҳам қисқа ва лўнда изоҳланган. “Радиожурналистика журналистик фаолият тури ҳисобланиб, у радиоэшиттиришларда техник воситалардан фойдаланишга асосланган. Шунингдек, радиожурналистика радиоэшиттиришнинг мажмуи сифатида

намоён бўлади ва журналистлар ижодий фаолиятининг ҳосиласидир⁴.

Радиожурналист – радиоэфир чиқишига мўлжалланган касбий-амалий фаолиятга эга, маълум мақсадларга йўналтирилган матнлар ёзиш қобилиятини тўлақонли эгаллаган махсус билимга эга шахс. Атрофимизни ўраб турган муҳитни тизимли қабул қилиш ва овозларини ажратиш, овозни ишлаб чиқиш, оғзаки нутқни ўз-ўзига ва атрофидагиларга тушунарли тарзда уларни бирлаштириш – инсоният фаолиятининг улкан хусусиятидир.

Айнан, нутқ ифода воситаси ҳисобланган овозли тўлқинлар (товушлар) биологик оламда, ҳайвондан одамни ажратади. Инсон мияси ва руҳиятининг имкониятларига тасанно айтиш керакки, атрофимизни ўраб турган оламнинг мураккаб товушлари мажмуасини ишлаб чиқариш, тушуниш ва қабул қилиш(қайта ишлаш) қобилияти туфайли инсон ўзини фикрлайдиган, онгли мавжудот сифатида ҳис қилади.

Радиожурналистика оммавий ахборот яратиш ва тарқатиш воситаси бўлмиш радионинг фавқулодда зўр техникавий имкониятларига таянувчи соҳаси бўлиб, мураккаб ижтимоий ҳодисалар сирасига киради. Радиожурналистика ҳамиша, айниқса, кейинги даврларда матбуот, телевидение, кино, ахборот агентликлари ёнида туриб эмас, улар билан биргаликда, ҳамжиҳат, ҳамкору ҳамфикр бўлиб фаолият кўрсата бошлади.

“Радиожурналистика журналистик фаолиятнинг бир тури сифатида қисқа вақтлар давомида долзарб ахборотни таъсирчан тарзда юқори даражадаги тезкорлик билан етказиб бериши билан

³. Ключев, Ю. В. Радиожурналистика: основы профессии: учеб. пособие / Ю. В. Ключев. СПб. : Ин-т «Высш. шк. журн. и мас.коммуникаций» СПбГУ, 2015. С.12.

⁴. Минков М. К проблеме жанров в радиовещании за рубежом. – М.,2013, с.46



ажралиб туради. Радиожурналистика тингловчиларга товуш воситалари орқали ҳам таъсир кўрсатади”⁵.

Айтиш керак, сеvimли бўлмасда, бирон-бир радиостанцияни яқиндан билмайдиган одамни топиш қийин. В.В.Смирнов таъкидлаб ўтганидек, радио “бизни турли одамлар билан таништиради. Эшиттириш сўзбошисида кўплаб фойдали маълумотлар ҳақида хабар беради, бизнинг дунёқарашимизни кенгайтиради, маслаҳатлар беради. Биз турли радиоканалларда диққатимизни тезкор хабарларга қаратган, шу соҳага дахлдор мутахассиснинг фикрига асосан воқеаларни таҳлил қилган ҳолда, мусиқий-кўнгилочар эшиттиришларни тинглаймиз. Эфирда ҳар доим исталган диддаги, қизиқиш, иштиёққа оид дастурларни топиш мумкин”⁶.

Д.Ш.Абдулина ҳамда Л.М.Подольская-Катчаннинг “Проблемы современного радиовещания”⁷ сарлавҳали мақоласида эса замонавий радиоэшиттириш саноати олдида турган долзарб масалалар очиб берилиши билан бирга, бу узоқ муддатли, ҳам тизимли ечимларни талаб қилиши таъкидланади. Шундан келиб чиқиб, яқин бир неча йиллар оралиғида мазкур масалалар ҳал қилиниши мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг муҳим бир тури ҳисобланган радиожурналистиканинг фан сифатида ривожиди ўзбек олимлари ҳам ўз тадқиқотларини олиб боришган. Хусусан, Ўзбекистон радиоси тарихи бўйича

биринчи илмий иш Бахром Рихсиев томонидан ёзилган. Олимнинг “Становление и развитие Узбекского радиовещания (1917-1937г.г.)”⁸ номли номзодлик иши Ўзбекистон радиоси тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Г.Н.Бобожонова, Р.Х.Абдусаторов, К.Ф.Исмаилова, Ю.А.Артикова⁹нинг илмий тадқиқотларида эса Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги миллий радиожурналистиканинг назарий асосига айланган қарашлари акс этган. Масалан, Г.Н.Бобожонованинг Радиостанция “Немецкая волна”: методы и приёмы работы международного радио” (Қаранг. 29-б.) номли тадқиқот иши хориж учун радиоэшиттиришлар тажрибасини таҳлил қилишда, Р.Х.Абдусаторовнинг “Ўзбекистон радиоси инфор­мацион эшиттиришлари: муаммолар ва ечимлар, журналистик маҳорат” (Қаранг. 29-б.) номли номзодлик иши радионинг ахборот жанрларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. К.Ф.Исмаилованинг “Особенности функционирования иновещательной радиослужбы

⁵. Методологические проблемы изучения телевидения и радиовещания. – М., 2011, с.27

⁶. Смирнов, В. В. Формы вещания: функции, типология, структура радиопрограмм / В. В. Смирнов. М.: Аспект Пресс, 2002. С.11.

⁷. Абдулина Д.Ш., Подольская-Катчан Л.М. Проблемы современного радиовещания // Молодой учёный. № 13 (147). Март 2017 г.

⁸. Рихсиев Б.А. Становление и развитие Узбекского радиовещания (1917-1937г.г.). Автореф. дисс. канд. истор. наук. – Т., 1972;

⁹. Бобожонова Г.Н. Радиостанция “Немецкая волна”: методы и приёмы работы международного радио”. Автореф. дис. канд. фил. наук. -М., 1987; Абдусаторов Р.Х. Ўзбекистон радиоси инфор­мацион эшиттиришлари: муаммолар ва ечимлар, журналистик маҳорат. Фил. ф. н. дис. автореф. Ўз.РФА А.Навойи ном. тил ва адаб. инст. -Т., 1996; Исмаилова К.Ф. Особенности функционирования иновещательной радиослужбы Узбекистана Узбекистана в условиях государственного суверенитета (на материалах “Ташкентское радио” за 1991-1999 г.г.) Автореф. дис. канд. фил. наук. -Т., 2000; 12. Артикова Ю.А. “Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари (2000-2008 йиллар)” филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т., 2009.



Ўзбекистана в условиях государственного суверенитета (на материалах “Ташкентское радио” за 1991-1999 г.г.)” (Қаранг. 29-б.) номли илмий тадқиқотида эса мустақил радиостанцияларнинг фаолияти акс этган. Ю.А.Артикованинг “Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари (2000-2008 йиллар)” (Қаранг. 29-б.) номзодлик диссертацияси эса интерактив журналистика моҳиятини илмий асослашга бағишланган.

Шунингдек, Б.Рисқиевнинг “Тўлқинлар қанотида”, А.Есиннинг “Радио и телевидение в Узбекистане”, Ж.Абдуллахоновнинг “Ҳаёт абад васл айёмидир”, А.Исоқовнинг “Журналистнинг машаққатли ва завқли йўли”, Э.Фихтелиуснинг “Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қоидаси”, Р.Абдусатторовнинг “Халқ севган радио”, Ф.Рўзиев, Х.Жўраеванинг “Тележурналистга тавсиялар”, Қ.Эрназаров, Ё.Маматова, И.Тошалиев ҳаммуаллифлигидаги “Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти”, Ю.Ҳамдамовнинг “Радиожурналистика асослари”, С.Содиқнинг “Радиожурналистика асослари. Аудиовизуал журналистика”, Р.Абдусатторовнинг “Радиожурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари”, А.Каримов, Н.Қосимова, К.Исмоилова, Ю.Ҳамдамов ва б.ҳаммуаллифлигидаги “Аудиовизуал журналистика” (6-жилд) китоблари, Н.Қосимованинг “Онлайн журналистика”, Ю.Ортиқованинг “Интерактив журналистика”, Ҳ.Саидов, Н.Тўхлиеванинг “Репортёрлик маҳорати, Г.Х.Бакиева, Д.М. Тешабаеванинг “Оммавий ахборот

воситалари тили”¹⁰ номли ўқув қўлланмалари радионинг тарихи, Ўзбекистон радиосининг тараққиёт босқичлари, радиомухбир фаолияти, радиожурналистика жанрлари, онлайн радио ҳақида маълумот берувчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Аммо мазкур илмий ишлар 90 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистон радиосини тадқиқ қилиш учун сон жиҳатидан оз, албатта. Зеро, радиожурналистиканинг собиқ совет давридаги тарихи солиштирилган ҳолда, мустақилликдан сўнг амалга оширилган ислохотлар, янги ташкил этилган давлат ва нодавлат радиоканаллар фаолияти, эшиттиришлар ранг-баранглиги, радиода ихтисослашув жараёнлари, замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланиш, радиобошловчи, диктор, ди-жей, радиожурналист, радиомухбирнинг вазифалари, радиожурналистика жанрлари, он-лайн радиоканаллар фаолиятидаги ўзига хосликлар, пандемия даврида радиоканаллар фаолиятидаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб илмий

10. Рихсиев Б. Тўлқинлар қанотида. Т., 1967; Есин А. Радио и телевидение в Узбекистане. Т., Абдуллахонов Ж. Ҳаёт абад васл айёмидир. Т., Исоқов А. Журналистнинг машаққатли ва завқли йўли. Т., Э.Фихтелиуснинг “Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қоидаси. Т.: Шарқ, 2002; Абдусатторов Р. Халқ севган радио. Т., Рўзиев Ф., Жўраева Х. Тележурналистга тавсиялар. Т.: SHARQ., 2013, Каримов А., Қосимова Н., Исмоилова К. ва бошқ. Аудиовизуал журналистика. Ж.– Т., 6-жилд. «O'zbekiston» НМИУ, 2019; Содиқ С. Радиожурналистика асослари. Аудиовизуал журналистика. Ўқув қўлланма.-Т.: Mumtoz so'z., 2010; Қосимова Н.Онлайн журналистика. Т.: O'zkitobsavdonashriyoti, 2020; Ортиқова Ю. Интерактив журналистика. –Т.: Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т.: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2008; Бакиева Г.Х., Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тили. Т.: O'zkitobsavdonashriyoti, 2019.



тадқиқот ва изланишлар олиб бориш зарур.

“Радионинг энг муҳим вазифаси – жамиятда содир бўлаётган муҳим воқеа-ҳодиса ва маълумотларни оммага етказиб беришдан иборат. У тезкорликда ҳам асосий ўрин тутати. Янгиликлар етказиш – радионинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, бошқа анъанавий ОАВда берилмаган янгиликларни оммага зудлик билан етказиши”¹¹.

Демак, хабар бериш радионинг асосий вазифаси бўлиб, радио орқали мамлакат ва хорижда рўй берган хабарлар етказиб берилади. Бугунги кунда радионинг кўнгилочар, дам олиш вазифаси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, ҳаво тўлқинлари орқали тингловчилар фақат ахборот олибгина қолмай, балки кўнгилочар эшиттиришлар, мусиқа ва ашулалар тинглашади.

Радионинг вазифаси – энг аввало, **оммага жамиятимизда, дунёда содир бўлаётган муҳим воқеа-ҳодисаларни узатиш ва тарқатишдан** иборат. Радиода мухбир, муҳаррир, шарҳловчи ҳамда таржимон-муҳаррир хабар ва янгиликларни тайёрлайди. Диктор ва бошловчи эса ушбу ахборотларни тингловчига етказиши. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дастурни олиб борувчи – диктор, бошловчи ёки журналист ҳар тарафлама билимга эга бўлиши талаб этилади. Чунки тингловчи куннинг муҳим, долзарб янгиликларини улар орқали билиб олади. Ахборотга ишонч улар ёрдамида пайдо бўлади. Зеро, “радиоянгиликлар аввало, қулоқ учун ёзилади, деган ибора мутахассислар лафзида кўп такрорланади. Ҳақиқатан ҳам

радио эшитилади. Демак, радио учун ёзганда аввало, қулоғимиз тез қабул қиладиган, сўзлашувда кўп ишлатиладиган содда ва аниқ янграйдиган сўзлар танланади. Гаплар ҳам қисқа ва лўнда тузилади”¹².

Жамоатчилик фикрини ифодалаш ва шакллантириш

ҳам радиожурналистиканинг бош, устувор вазифаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикри шаклланишининг илк палласида баҳс, мунозара муҳим роль ўйнайди. Бунда радионинг ўрни ҳам катта ва салмоқлидир. Масалан, халқимиз тинчлик, осойишталик тарафдори. Бу халқ фикри жамоатчилик фикрининг асосини ташкил этади. Жамоатчилик фикрининг ифодачиси одатда, муайян гуруҳлар бўлади. Радиосуҳбатларда иштирок этадиган машҳур шахслар, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир, етук публицист ва журналист ҳам жамоатчилик фикри ифодачиси сифатида майдонга чиқиши мумкин. Хусусан, 2019 йилнинг декабрь ойида Хитойнинг Ухань шаҳрида тарқалган ва бутун дунёни ташвишга солган коронавирус инфекцияси ва унинг салбий оқибатлари борасида соҳа мутахассислари билан ташкил этилган мулоқотлар, давра суҳбатлари бунга мисол бўлади. Бунда соҳа мутахассислари - шифокорлар тингловчиларга мазкур пандемия ҳақида тўлиқ маълумот беришса, таклиф этилган бошқа соҳа вакиллари – таниқли шоирлар, ёзувчилар, давлат арбоблари халқнинг бир вакили сифатида тингловчиларни ҳушёрликка ва огоҳликка чорлаш, ҳар бир инсон саломатлиги учун ўзи масъул эканлиги борасида фикр-мулоҳазаларини билдириб

¹¹. Каримов А., Қосимова Н., Исмоилова К. ва бошқ. Аудиовизуал журналистика. Ж.– Т., 6.-жилд. “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. Б.130.

¹². Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. Ўқув қўлланма. Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008, Б.65.



ўтишди. Бундай фикр-мулоҳазалар ҳам тингловчиларни турли саросима-вахималарга берилмасдан, карантин талабларига риоя қилишга ундайди. Шунингдек, ижодкор ўқиб берган таъсирли бир шеър ёки санъаткор томонидан янграган жонли ижродаги кўшиқ ҳам ана шу фикрларга уйғун ҳолда, дастурнинг янада эшитишли ва қизиқарли бўлишини таъминлайди. Эшиттириш сўнгида таклиф этилган меҳмонларнинг тингловчиларга карантиндан унумли фойдаланиш борасида ўз маслаҳатларини билдириб ўтишлари ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Маърифатчилик, таълим-тарбия вазифалари. Радио билим тарқатишнинг воситаларидан биридир. Эфирда таниқли олимлар, санъат ва адабиёт вакиллари қизиқарли маърузалар қилишади. Улар билан илм-фаннинг турли соҳаларида, дунёда кечаётган долзарб масалалар борасида мулоқот ва давра суҳбатлари уюштирилади.

Эстетик вазифа. Радиоэшиттиришларнинг аксарияти муайян даражада эстетик вазифани бажаради. Эҳтиросли, образли, ақлли нутқ ҳар қандай тингловчини ўзига мафтун этади; жонли, ўткир мулоқот(диалог) катта қизиқиш уйғотиши мумкин, гўзал фикр ўзига ром этади. Моҳир радиожурналист қайси жанрда эшиттириш тайёрламасин, қай усул қўлламасин, тингловчига эстетик завқ беришни ўйлайди. Адабий эшиттиришлар, мусиқа ва ашулалар, театр асарларини тингловчилар завқ билан эшитади.

Кўнгил очиш ва дам олдириш вазифаси. Бу борадаги дастурлар чарчоқни ёзиш, кайфиятни кўтариш, бардамлик, тетиклик бахш этишни кўзда тутаяди. Кўнгилочар дастурлар атайин энгилроқ ҳазм қилиш,

осон бўлишни кўзда тутиб тузилади. Тингловчилар радио орқали фақат ахборот олибгина қолмай, балки кўнгилочар эшиттиришлар, мусиқа ва ашулалар тинглайдилар.

Масалан, “Радиоҳанда”, “Бу қизиқ”, “Яхши кайфият”, “Салом ва табриклар” каби рукнлар шулар жумласидандир.

Демак, бугунги замонавий радиоканаллар ўз олдига қўйилган мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, оммага тезкорлик, ошкоралик, тўғрилиқ, холислиқ, ҳаққонийлик каби принциплар асосида ахборотларни етказиб бериши керак.

XXI аср – ахборот асри деб аталар экан, бугунги радио ҳам замон билан ҳамнафас бўлиб, тингловчилари учун тезкор ахборот етказишнинг янги йўллари ва усулларини қидирмоқда. Масалан, радиоканаллар онлайн тарзда ўз фаолиятини олиб бориш билан бирга, телеэкран орқали ҳам жараён кўрсатиб борилади. Мазкур усул – тингловчиларни ижодий жамоа вакиллари ва уларнинг иш жараёни билан яқиндан таништириш, уларда тасаввур уйғотиш билан бирга, эфирга узатилаётган ахборот ва маълумотларнинг ишончилигини, тезкорлиги, ҳаққонийлигини оширади. Ўзбекистон радиоканалларида ҳам ушбу усулларни қўллаш борасида ҳаракатлар бошланган.

Маълумки, ахборотни тезкор етказишда вақт энг асосий ва муҳим омиллардан биридир. Радио бошқа ОАВ, хусусан, интернетга қараганда энг қисқа вақт- ҳар 5 дақиқада оммага ахборот етказиш имкониятига эга. Радиобошловчи айни ана шу 5 дақиқалик вақт давомида энг муҳим ва долзарб ахборотни қисқа ва лўнда матн орқали тингловчига етказиши керак. Бугунги тингловчининг узундан-уzun хабар ва ахборотларни тинглашга вақти йўқ. Шундай экан, хабар ва янгиликлар



ким?, нима?, қачон?, қаерда?, ким билан?, қайси? каби анаъанавий саволларга жавоб бериши керак, холос. Демак, шу ўринда ижодий жамоа журналистиканинг тамойиллари асосида фаолият кўрсатади.

Тезкорлик. Ахборот ва янгиликни тезкорлик билан тингловчига етказиш. Бунда ахборот воқеа жойидан радионинг махсус мухбири ёки ахборот манбаидан тўғридан-тўғри эфир орқали узатилиши назарда тутилади.

Тўғрилиқ. Эфирга бериладиган ҳар қандай маълумот ва ахборотнинг энг аввало, тўғрилигини текшириш, ушбу вазифа ўз ўрнида тезкорликдан ҳам муҳим саналади. Сабаби, ҳар қандай ахборот манбаидан олинган ахборотни текширмасдан эфирга узатиш аудиторияда ишончсизликка олиб келади. Айниқса, рақамлар, фактлар билан ишлашда бунга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ошкоралиқ. Ҳар бир бериладиган ахборот ёки хабарни очик-ошкора, рақамлар ва шахсларни беркитмасдан борича ёритилиши демакдир. Масалан, Божхона ходимлари томонидан ушлаб қолинган ноқонуний товарлар ёки тезкор гуруҳ томонидан ушланган гиёҳванд моддалар ҳақида бериладиган хабарда рақамларни борича келтириб ўтиш шарт.

Холислик. Хабар ва ахборотларни етказишда ҳеч қандай манфаатни кўзламаслик. Бунда журналист ёки бошловчи ортиқча ҳис-туйғуларга берилмасдан, воқеа-ҳодисани борича етказиши назарда тутилади.

Ушбу вазифалар журналист фаолиятининг вазифалари билан бир хил бўлса-да, радио орқали ахборот етказишда муҳим қоида саналади. Радио техник фаолият билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, бевосита техник жамоанинг ҳам вазифалари бор.

Ёзувли хабар ва лавҳанинг сифатини техник жиҳатдан текшириш. Монтаж жараёнида оператор аввало, ёзувнинг тоза ва тиниқлигини текшириши зарур. Шовқини юқори бўлган, ёки аксинча, жуда паст овозли ёзув техник жиҳатдан талабга жавоб бермаса, эфирга берилмайди.

Дарҳақиқат, бугунги ахборот майдонида ҳар бир оммавий ахборот воситаси ўз ўқувчиси, томошабини, тингловчисини йўқотиб қўймаслик мақсадида тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракатлар биргина журналистнинг ўзига боғлиқ эмас, албатта. Кўп сонли ижодий жамоа, яратилган шарт-шароитлар ва ахборот манбалари билан яхши алоқанинг йўлга қўйилгани каби омиллар бир мақсад йўлида бирлашса, ахборот тезкорлик билан узатилади ва ўша оммавий ахборот воситаси биринчилардан бўлиб ахборотни етказиши.

Дастлаб товушни маълум бир масофадан бошқа узоқроқ ҳудудга етказиш мақсадида ихтиро қилинган радио узоқ 100 йиллик тарихи давомида кўплаб соҳалар ривожига ўз таъсирини кўрсатди. Яъни:

- техника ривожига улкан ҳисса қўшди;
- давлат разведка хизматида сиёсий куч сифатида ишлатилди;
- халқаро муносабатларда кўприк вазифасини ўтади;
- ОАВнинг бир тури сифатида оммага тезкор ахборот етказиш вазифасини бажариб келмоқда;
- аҳолига, хусусан, ёш авлодга маънавий-маърифий билим бермоқда;
- жамоатчилик фикрини шакллантиришда, ёшларнинг онгини турли бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишда илғор тарғиботчиликда етакчилик қилмоқда;
- имконияти чекланган инсонлар, хусусан кўзи ожиз инсонлар учун яқин ҳамроҳга айланди;



- радио бевосита театр спектакллари ҳам овозлаштириб, тингловчилари қамровини кенгайтирди;

- “Радиокитоб” лойиҳалари орқали китобхонликнинг янгича шакли-радиокитобхонлик тарғиботини ривожлантирди;

- радио турли ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий-маданий, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг турли жабҳаларида тингловчиларга маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатувчи беминнат воситага айланди;

- радио турли форматда фаолиятини янгилади: мисол учун, “Автоҳамроҳ” радиоси йўл-транспорт ҳаракати иштирокчилари бўлган ҳайдовчи, пиёда, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган бўлса, “Настальгия” радиоканали

орқали жаҳон классик муסיқа ва кўшиқлари тингловчиларга ҳавола этилмоқда.

Яна бир жиҳат, радионинг ихтиро қилиниши техника ривожига қўшилган яна бир катта ҳисса бўлса, иккинчи томондан оммага ахборот етказишнинг муҳим бир воситасига айланди. Бевосита матбуот билан солиштирилганда, тезкорлиги, ахборотни қабул қилиш учун маълум бир вақт ва жой танламаслиги, жарангли, бетакрор овози орқали тингловчининг эътиборини тортиш, ҳис-туйғуларига таъсир қилиш билан бирга, уни ўйлаш, фикрлашга ҳам ундаши билан ўз аудиториясини кенгайтириб олди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ворошилов В.В. Журналистика. СПб: Изд-во Михайлова В. А., 2000. С.51.
2. Азарх Л. Д. «Маленький принц» и большое радио // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005; Засурский Я. Н., Алексеева М. И., Болотова Л. Д. Система средств массовой информации России: учеб. пособие для вузов. М.: Аспект Пресс, 2003; Засурский Я. Н. Самый открытый источник информации // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005; Болотова Л. А. Отечественное радиовещание в начале XXI века: новые реалии и старые проблемы // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005. С. 147–161.; Кузнецов Г. В. Первый век радио: от «морзянки» до цифрового стереовещания // Телерадиоэфир: история и современность / под ред. Я. Н. Засурского. М.: Аспект Пресс, 2005; Корконосенко С. Г. Основы журналистики: учебник для студентов вузов. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Аспект Пресс, 2009.; Ключев, Ю. В. Радиожурналистика: основы профессии: учеб. пособие / СПб.: Ин-т «Высш. шк. журн. и мас.коммуникаций» СПбГУ, 2015. -151 с.
3. Ключев, Ю. В. Радиожурналистика: основы профессии: учеб. пособие / Ю. В. Ключев. СПб. : Ин-т «Высш. шк. журн. и мас.коммуникаций» СПбГУ, 2015. С.12.
4. Минков М. К проблеме жанров в радиовещании за рубежом. – М.,2013, с.46
5. Методологические проблемы изучения телевидения и радиовещания. – М.,2011, с.27



6. Смирнов, В. В. Формы вещания: функции, типология, структура радиопрограмм / В. В. Смирнов. М.: Аспект Пресс, 2002. С.11.
7. Абдулина Д.Ш., Подольская-Катчан Л.М. Проблемы современного радиовещания // Молодой учёный. № 13 (147) . Март 2017 г.
8. Рихсиев Б.А. Становление и развитие Узбекского радиовещания (1917-1937г.г.). Автореф. дисс. канд. истор. наук. – Т., 1972;
9. Бобожонова Г.Н. Радиостанция “Немецкая волна”: методы и приёмы работы международного радио”. Автореф. дис. канд. фил. наук. -М, 1987; Абдусатторов Р.Х. Ўзбекистон радиоси информацион эшиттиришлари: муаммолар ва ечимлар, журналистик маҳорат. Фил.ф.н. дис.автореф.Ўз.РФА А.Навойи ном. тил ва адаб. инст. -Т, 1996; Исмаилова К.Ф. Особенности функционирования иновещательной радиослужбы Узбекистана Узбекистана в условиях государственного суверенитета (на материалах “Ташкентское радио” за 1991-1999 г.г.) Автореф. дис. канд. фил. наук. -Т, 2000; Артикова Ю.А. “Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари (2000-2008 йиллар)” филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати.-Т., 2009.
10. Каримов А., Қосимова Н., Исмоилова К. ва бошқ. Аудиовизуал журналистика. Ж.– Т., 6.-жилд. “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. Б.130.
11. Саидов Ҳ., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. Ўқув қўлланма. Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008, Б.65.